

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 637-ҳадис

637 – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاحِشًا وَلَا مُتَفَجِّحًا، كَانَ يَقُولُ: «إِنَّ مِنْ خِيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ
3559، م 2331].

637. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

«У зот беҳаё сўзловчи ҳам, беҳаёлик қилувчи ҳам эмас эдилар. У зот: «Энг яхшиларингиз – чиройли хулқдиларингиздир», деб айтардилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Динимизда мўминларнинг мақталган хусусиятларидан бири уларнинг гўзал хулқидир. Энг чиройли хулқ соҳиби, шубҳасиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдилар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!” (“Қалам” сураси, 4-оят).

Ояти каримадаги “буюк хулқ”нинг маъноси ҳақида тафсирларда турлича маълумотлар келтирилган. Хулқ сўзи бу ерда асл маънода ишлатилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен гўзал хулқларни такомиллаштириш учун юборилганман”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳақиқатан, Муҳаммад алайҳиссалом биринчи даражадаги комил инсон эканликларига асло шубҳа йўқ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралди. У зот алайҳиссалом: “Аллоҳга тақво қилиш ва гўзал хулқ”, дедилар. У зотдан одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўралди. У

зот: “Оғиз ва фарж”, дедилар» (Имом Насойй ривояти).

Киши гўзал хулқ билан тақводорлар эришган олий даражаларни қўлга киритиши мумкин. Шунингдек, инсон бир оғиз яхши сўзи орқали улкан саодатга эришиши ва аксинча битта ёмон сўзи билан бадбахтликка йўлиқиши мумкин. Шу боис тилни ёмон сўзлардан эҳтиёт қилиш керак.

Мўмин-муслмонлар яхши инсон экани ҳаммага аён. Ўша яхшилар орасида энг яхшиси, шубҳасиз, гўзал хулқ эгаларидир. Демак, янада яхши инсон бўлишга интилишимиз зарур. Шунда ҳам тақводор бўламиз, ҳам улуғ даражаларга эришамиз, инша Аллоҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIQLARI